



СОЛИҚ НАЗОРАТИ-ДАВЛАТ МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТИНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

Файзуллоев Мирсаид -

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети
мустақил тадқиқотчиси*

https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a67

Аннотация. Мазкур мақолада, корхоналарида солиқ назоратидан ўтказишда солиқ органларини фаолиятини такомиллаштириш ва уларни самарадорлигини баҳолаш йўллари бўйича тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, тадқиқот доирасида хулоса ва таклифлар шакллантирилган.

Калит сўзлар: солиқ, бюджет сиёсати, бюджет, солиқ маъмурчилиги, молиявий назорат, солиқ текширувлари, аудит, солиқ аудити, аудитнинг халқаро стандартлари, норматив таҳлил, солиқ тушумлари, солиқ имтиёзлари, солиқ ставкаси.

НАЛОГОВЫЙ КОНТРОЛЬ - СПОСОБЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ СОВРЕМЕННЫХ МЕТОДОВ ГОСУДАРСТВЕННОГО ФИНАНСОВОГО КОНТРОЛЯ

Файзуллоев Мирсаид -

*Независимый исследователь Ташкентского
государственного экономического университета*

Аннотация. В данной статье было проведено исследование о способах совершенствования деятельности налоговых органов и оценки их эффективности при проведении налогового контроля на своих предприятиях, а также в рамках исследования были сформулированы выводы и предложения.

Ключевые слова: налоги, бюджетная политика, Бюджет, налоговое администрирование, финансовый контроль, налоговые проверки, аудит, tax audit, международные стандарты аудита, нормативный анализ, налоговые поступления, налоговые вычеты, налоговая ставка.

TAX CONTROL - WAYS OF USING MODERN METHODS OF STATE FINANCIAL CONTROL

Faizulloev Mirsaid -

*Independent researcher of Tashkent
State University of Economics*

Abstract. In this article, research was carried out on ways to improve the activity of tax authorities and assess their efficiency in tax control in textile enterprises, and conclusions and proposals were formed within the framework of the research.

Keywords: tax, budget policy, budget, tax administration, financial control, tax audits, audit, tax audit, international standards of auditing, regulatory analysis, tax revenues, tax benefits, tax rate.

Кириш. Республикамизда бугунги кунгача олиб борилган ислохотлар барча соҳаларни қамраб олиб, соҳаларнинг ривожланишиб боришига сабаб бўлди. Айниқса, ҳар бир фаолият тури бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, соҳанинг услубий таъминоти яратиб берилди. Жумладан, солиқ назорати фаолияти бўйича амалга оширилаётган ишлар бугунги кунда аудит бўйича етарли услубий таъминот мавжудлигини кўрсатмоқда. Мазкур соҳа бўйича қабул қилинган қонун ва қонуности ҳужжатлари соҳанинг услубий таъминоти яратилганлигидан далолат беради.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

С.Мирошник солиқ назоратига оид илмий тадқиқотларида солиқ назоратига муаллифлик таърифини беради: “солиқ назорати – бу ваколатли давлат органларининг хўжалик субъектлар томонидан солиқ ва ҳуқуқий тартибга солишнинг бажарилишига ҳуқуқий баҳо бериш, ҳуқуқбузарликларга чек қўйиш, фуқароларнинг

фискал манфаатларини бузувчи шахсларни жавобгарликка тортишда ифодаланган фаолияти”дир [1].

Л.И.Кофлер Ю.П.Кашириналар солиқ назоратини солиқ тизими фаолиятининг муҳим шарти солиқ текширувлари орқали амалга ошириладиган самарали механизм деб ҳисоблайди. Ушбу олимларнинг ёндошувида “солиқ текшируви солиқ органининг солиқлар ва бюджетга бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисобланиши, ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши (ўтказилиши) устидан назорат ҳаракати, бу жараёнда солиқ назорати натижасида олинган ҳақиқий маълумотлар солиқ органларига тақдим этилган солиқ декларацияси маълумотлари билан таққосланадиган иқтисодий механизмдир” [2].

Н.Шестакованинг илмий қарашлари бу борада анчайин ўз аҳамиятига эга. Ушбу олим солиқ назоратига таъриф бериб уни: “солиқ интизомига риоя этилишини текшириш, солиқ ҳуқуқбузарликларининг максимал сонини аниқ-

лаш ва профилактика чораларини кўриш имконини берувчи техника ва усулларни ўз ичига олган солиқ қонунчилигининг бажарилишини назорат қилиш соҳасидаги ваколатли давлат органларининг махсус, профилли ҳаракатлари мажмуидир” [3].

М.Садчиков “солиқ текшируви солиқ назоратининг асосий шакли бўлиб, солиқлар ва йиғимлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш бўйича ваколатли органларнинг процессуал ҳаракатлари мажмуидан иборат ва у текшириладиган шахсларнинг ҳисобот маълумотларини, солиқ органларининг қарорларини солиқ тўловчилар, йиғимлар тўловчилар ва солиқ агентларининг молиявий-ҳўжалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолати билан таққослаш йўли билан амалга оширилади” деб ҳисоблайди [4].

Солиқ аудитининг муҳимлигини Т.Барсулая қуйидагича ифодалайди: ҳозирги вақтда аудиторлик хизмати турлари ичида солиқ аудитига кўпроқ эҳтиёж туғилмоқда. Экспертларнинг баҳолашича Россия аудиторлик компаниялари тушумининг 30 фоизи солиқ аудитига тўғри келмоқда [7].

Бу тўғрида А.Аренс ва Ж.Лоббеклар қуйидагиларни ёзишган: “Солиқ тўловчиларни федерал солиқ қонунларига риоя қилишини, солиқ декларацияларни текшириш учун ҳукумат аудиторлар ёллайди. Солиқ қонунчилиги жуда мураккаб бўлиб, солиқларни текшириш бўйича аудитордан чуқур билимларга эга бўлишликни талаб этилади” [6].

Таҳлил ва натижалар. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджет ва бошқа шу каби пул фондларини молиявий маблағлар билан таъминлашда кенг қамровли иқтисодий, социал ва ҳуқуқий муносабатларни ташкил этиш орқали ўзининг иқтисодий мақсадига эришиш учун мажбурий тўловларни жорий этиш ва уларни молиявий пул фондларига ундириш механизмларини ишга туширади.


Албатта, бу молиявий маблағлар ўз-ўзидан келмайди, бошқа томондан эса, жалб қилинган молиявий маблағларни мақсадли, манзилли ва самарали фойдаланиш зарурати ҳам туғилдики, давлат ва унинг ваколат олган органлари томонидан назорат тартибидаги фаолиятларни олиб боришни ҳам тақозо этади.

Бу назорат эса, кўпроқ молиявий характерга эга бўлиб, молиявий пул фондларига жалб қилинган маблағларнинг тўғри тақсимланиши, уларнинг мақсадли ва манзиллигининг таъминланганлиги ҳамда самарали фойдаланаётганлигини назорат тартибида амалга ошириш механизмларини тақозо этади. Шу жиҳатдан олганда бу ерда молиявий муносабатларнинг ўзига хос назорат шаклидаги кўринишлари пайдо бўлади.

Аксарият иқтисодчилар таъкидлаганидек, молиявий назоратнинг асосини пул фондларини шакллантириш жараёнидаги тақсимотларга, яъни ялпи ички маҳсулотнинг маълум бир қисмини пул фондларига жалб қилиш орқали молиявий ресурсларни қайта тақсимланишига бориб тақалади. Қайта тақсимланган ялпи ички маҳсулотни қайта тақсимлаш ҳолатининг ўзи эса, назорат тартибидаги фаолиятни, аниқроғи давлатнинг ваколатли органларини шакллантиришни ва уни амалга оширишни талаб этади.

Бундан кўринадики, ҳар қандай молиявий назорат пул фондларининг тўғри шаклланиши, унинг оптимал тақсимланиши, тақсимланган маблағларнинг самарали фойдаланиши, молиявий ресурсларнинг амалдаги нормативлар ва қоидалар асосида ҳаракатланиши, пул фондларининг манбаларининг тўғри аниқланиши ва уларнинг тўғри йўналтирилиши, турли даражадаги пул фондлари ўртасида молиявий маблағларнинг ўзаро қайта тақсимланиши ва шу каби муҳим муносабатларни қамраб олади. Аслида назорат бу давлатнинг иқтисодий, социал, ҳуқуқий, сиёсий ва бошқа йўналишдаги фаолиятининг тўғри ташкил этилиши ва унинг белгилаб олинган мақсадларига етишишдаги жараёнларни маълум бир тизгин асосида баҳолаб боришни тақозо этади. Давлат назорати ўзининг тегишли ваколатли органлари томонидан юқорида таъкидланганидек, маълум бир мақсадга эришиш доирасидаги ташкил қилинган механизмларнинг қай даражада мақсад сари ишлаётганлигини кўрсатиб туриш биргаликда, ўзига хос хулосаларни бериш орқали муаян қарорлар қабул қилишга имоният беради, бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, давлат назорати доимий характерга эга бўлади, у орқали амалдаги ҳолатга тўғри баҳо бериш ва келгусидаги чора-тадбирларни тўғри белгилаб олишнинг муҳим воситасидир. Мазкур 1-расмда изоҳлаганимиздек, назорат аслида икки турда мавжуд бўлади. Биринчиси давлат аҳамиятидаги назорат бўлиб, унинг энг асосий бўғинларидан бирини молиявий назорат ташкил этади.

Молиявий назорат молиявий муносабатлар ҳамда жамиятнинг иқтисодий ускуртмасига мувофиқ давлат ва корхоналар доирасидаги молиявий назоратлардан ташкил топади. Ўз навбатида давлат молиявий назорати корхоналарнинг молиявий назоратини ташкил этилишининг асосий ўзагини ташкил этади. Чунки, давлат жамият миқёсидаги молиявий сиёсати олиб бориши доирасида молиявий назоратнинг умумий ва аниқ йўналишлари билан биргаликда корхоналарнинг молиявий сиёсатига нисбатан ҳам айрим талаблар ва маълум бир чекловларни ўрнатиб, уларнинг молиявий фаолиятининг назорат услубларини ҳам кўрсатиб беради.



1-расм. Назорат турлари

Таъкидлаш лозимки, солиқ назорати молиявий назоратнинг муҳим ажралмас қисми ҳисобланади. Солиқ назорати эса, давлатнинг марказлашган пул маблағларини шакллантиришда жамиятнинг ишлаб чиқариш секторидан ундириладиган мажбурий тўловларни ундириш жараёнида юзага келади. Яъни, бу ерда мажбурий тўловларни солиқ тўловчилар томонидан қонунчилик талаблари асосида қандай тўлаётганлигини аниқлаш учун солиқ назоратига эҳтиёж пайдо бўлади.

Солиқ назорати мазмунан олганда марказлашган пул фондлари (давлат бюджети ва бошқа давлатнинг мақсадли фондлари) билан боғлиқ юридик ва жисмоний шахсларга қонун билан юклатилган солиқ тўлови мажбуриятларининг бажарилиши даражасини аниқлаш учун ҳам зарур бўлади. Солиқ назорати бундан ташқари, солиқ тўловчилар томонидан солиқ тўлашдан қочиш, солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг олдини олиш, солиққа оид қонунчилик-

ларнинг моҳиятини тушуниб етиши, улар томонидан қасддан ёки тушунмасдан солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш билан боғлиқ жараёнларни тартибга солиш, давлат бюджети ва бошқа фондларга тушумлар бир маромда тушишини таъминлаш ва шу каби жараёнларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади. Солиқ назорати бундан кўринадики, иқтисодиётни тартибга солишда давлатнинг муҳим молиявий инструменти сифатида юзага чиқади, солиқ назоратидан қанчалик самарали фойдаланиш эса, давлатнинг молиявий назоратининг самардорлигини таъминлайди. Солиқ назоратининг моҳиятини тўлароқ очиб бериш учун унинг айрим хусусиятларини қуйидаги расмда келтириб ўтамыз.

Ушбу келтирилган расмнинг мазмуни шундан далолат берадики, солиқ назорати давлат молиявий назоратининг бир қисми сифатида давлат томонидан иқтисодиётни тартиблашда ва уни ривожлантиришда иқтисодий жиҳат-

дан катта аҳамиятга эга. Солиқ назоратининг бош иқтисодий мақсади-турли даражаги бюджетларга солиқ тушумларининг белгиланган миқдор ва муддатларга ўз вақтида тушишини таъминлашга хизмат қилиш бўлса, унинг социал мақсади ва вазифаси эса, солиқ тўловчиларнинг

солиқ тўлаш маданиятини ошириш, уларни турли хил молиявий ва бошқа жавобгарликлардан асраш, бозор муносабатлари шароитида солиқ тўловчининг умумий қадрининг (репутацияси) сақланишига хизмат қилишдан иборат бўлади.



2-расм. Солиқ назоратини тақозо этувчи омиллар ва унинг хусусиятлари

Манба: муаллиф томонидан тузилган.

Солиқ назорати солиқ менежментининг элементи сифатида бир томондан солиқларнинг назорат тартибидаги хусусиятларини ифодаласа, бошқа томондан солиқ хизмати органлари ва бошқа дахлдор органларнинг солиқ қонунчилигига риоя қилинишининг назоратини амалга оширишга доир ҳуқуқий муносабатларини қамраб олади. Солиқ назорати бу фақатгина солиқ хизмати органларининг солиқ қонунчилигининг риоя қилиниши устидан назорат тартибидаги фаолиятини эмас, балки солиқ қонунчилигининг амал қилиниши назорат қилиш ҳуқуқига эга бўлган ваколатли органлари билан биргаликда жамоатчилик ва шахсий (таъсисчилар, акционерларнинг улар молиявий маблағ қўйган корхона томонидан солиқлар қандай тўланаётганлигини назорат қилиш шакли) солиқ назоратини ҳам қамраб олади.

Солиқ қонунчилигининг амал қилиниши назорат қилиш ҳуқуқига эга бўлган ваколатли органлар қаторига Парламент (Олий Мажлис)

ва Ҳисоб палатаси кабилар кириб, Ўзбекистон Республикаси қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 18 майда қабул қилинган сенат томонидан 2019 йил 21 июнда маъқулланган.

Ўзбекистон Республикасининг “Ҳисоб палатаси тўғрисида”ги қонунида Ҳисоб палатасининг солиқ назорати билан боғлиқ муҳим вазифалари сифатида “бюджет тизими бюджетларига ва белгиланган тартибда ташкил этилган бошқа жамғармаларга маблағлар тушумларининг тўлиқлигини, шунингдек яширин иқтисодиётни қисқартиришга қаратилган чораларнинг амалга оширилишини ўрганиш ҳамда назорат қилиш” каби ваколатлари белгиланган бўлиб, бу вазифаси орқали солиқ тушумларининг тегишли бюджетларга ўз вақтида тушишини таъминлашга хизмат қилади [9].

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси мамлакатнинг энг олий назорат органи ҳисобланиб, ушбу палата томонидан давлат солиқ хизмати ва бошқа ваколат берилган давлат

органларида солиқ қонунчилигининг назорати ва уларнинг ўзларининг фаолиятининг қонунийлиги устидан назорат амалга оширилади ва ушбу ҳолат бўйича Олий мажлис палаталарига маълумотлар (ҳисобот шаклида) тақдим қилиб боради.

Давлат солиқ хизмати ва бошқа ваколат берилган органлар томонидан солиқ назорати амалдаги қонунчиликка мувофиқ, солиқ назорати солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш, солиқ солиш объектларини ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларни ҳисобга олиш, бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тушаётган тушумларни ҳисобга олиш, камерал назорат, нақд пул тушумлари келиб тушишининг хронометражи, солиқ текширувлари, фискал хотирали назорат-касса машиналарини қўллаш, акциз тўланадиган айрим турдаги товарларни марказлаш, шунингдек, айрим корхоналарда молия инспектори лавозимини жорий этиш, давлат даромадига қаратилган мол-мулкни реализация қилишдан тушадиган пул маблағлари давлат даромадига ўз вақтида ва тўлиқ тушишини назорат қилиш, бошқа мажбурий тўловларни ундириш вазифасини амалга оширадиган давлат органлари ва ташкилотлар устидан назорат қилиш ва шу кабилар шаклида амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Бу ерда гарчи солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш, солиқ солиш объектларини ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларни ҳисобга олиш, бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тушаётган тушумларни ҳисобга олиш жараёнлари солиқ назорати шакли сифатида қайд этилган бўлса-да, улар мазмунан солиқ хизмати ва бошқа органлар (давлат статистика органлари, адлия бошқармалари, давлат хизматлари агентлиги ва ш.к.)нинг умумий фаолиятини ташкил этади. Бу жараёнларни назорат қилиш эса солиқ назорати тартибида амалга оширилади.

Солиқ назорати мазмунига эътибор берадиган бўлсак, Ўзбекистон солиқ кодексида унга

ваколатли органларнинг солиқ тўловчилар ва солиқ агентлари томонидан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилишга доир фаолияти солиқ назоратидир” [8] деган мазмунда таъриф келтирилган бўлиб, фикримизча, солиқ назоратининг мазмуни бундан кенгроқдир. Чунки, юқорида келтирилган имиздек, солиқ назорати бу нафақат иқтисодий, шу билан билан биргаликда ҳуқуқий ва социал жараёнларни ҳам қамраб олади. Шу жиҳатдан олганда бизнингча “солиқ назорати бу- солиқ тўловчиларнинг ўзларига юклатилган солиққа оид мажбуриятларини ўз вақтида бажарилиши таъминлаш мақсадида давлатнинг тегишли ваколатли органлари томонидан турли хил усулларга асосланган ҳолда назорат тартибидаги фаолиятларининг ўзаро уйғунлашув жараёнларидир.

Хулоса ва таклифлар. Солиқ маъмуриятчилиги соҳасида рақамлаштиришнинг ривожланиши солиқ назорати самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади ва корхонада тўғридан-тўғри солиқ текширувларини ўтказишдан чегараланиш, солиқ тўловчиларга барча солиқларни ихтиёрий равишда тўланиши лозим бўлган солиқлар, шунингдек, уларнинг солиқ мажбуриятларини аниқлаштириш, тўлаш учун имтиёзлар яратишга ўтиш имконини беради.

Мамлакатимиз иқтисодиётини рақамлаштиришнинг ривожланиши шароитида солиқ назоратини ва умуман солиқ тизимини ўзгартириш заруратга айланди, чунки рақамлаштириш катта маълумотлар ва рақамли технологиялардан фойдаланишни ўз ичига олади. Солиқ назоратини ривожлантиришнинг асосий муаммоларидан бири бу “катта маълумотлар” (Big Data) деб аталадиган технологияларни жорий этишдир. Солиқ назоратини рақамлаштириш асосида такомиллаштириш борасидаги Европа, Австралия ва АҚШ каби мамлакатлар тажрибасини мамлакатимиз амалиётига жорий этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирошник Светлана Валентиновна и др. Актуальные вопросы правового обеспечения налогового контроля. Теория и практика общественного развития (2015, № 19).
2. Кофлер Л.И., Каширина Ю.П. Налоговые проверки: виды, порядок проведения и оформления результатов. Территория науки. 2017. № 1.
3. Шестакова Н.Н. Налоговые проверки в системе налогового контроля. Социально-экономический и гуманитарный журнал Красноярского ГАУ. 2018. №1.
4. Садчиков Михаил Николаевич. Камеральные и выездные налоговые проверки как формы налогового контроля. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Саратов 2010.
5. Арнс А., Лоббек Ж. (1995) Audit. – М.: Финансы и статистика. s.12-14. (Ahrens A., Lobbeck J. (1995) Audit. - M.: Finance and statistics. p.12-14.)
6. Barsulaya T.D. (2019) Налоговый аудит. Учебник: учебное пособие / Barsulaya T.D. — Moskv: Rusayns. — 582 s. — ISBN 978-5-4365-3384-1. — URL: <https://book.ru/book/932100> (data obrazeniya: 14.12.2019).
7. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси- Тошкент: Ғафур Ғулом нашриёт уйи 2020.- 640 б.
8. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳисоб палатаси тўғрисида”зи қонуни, Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 18 майда қабул қилинган Сенат томонидан 2019 йил 21 июнда маъқулланган/
9. Qurbanov, Z., & Isaev, F. (2017). Иқтисодий барқарорликни ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили. Iqtisodiyot Va Innovatsion Texnologiyalar, (1), 321–328. Retrieved from https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/9190

10. Исаев Ф. Камерал солиқ текширувларини ўтказишда солиқ таҳлилидан фойдаланишни такомиллаштириш //Экономика и образование. – 2021. – № 4. – С. 172-176.
11. Курбанов З.Н., Исаев Ф.И. Налоговый анализ как новое направление экономического анализа //актуальные вопросы совершенствования бухгалтерского учета, статистики и налогообложения организации. – 2017. – С. 246-254.
12. Isaev, F. (2017). Солиқ имтиёзларининг солиқ юки кўрсаткичига таъсири таҳлили. *Iqtisodiyot Va Innovatsion Texnologiyalar*, (6), 294–301. Retrieved from https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/9579
13. Исаев Ф. И. Солиқларни таҳлика-таҳлил қилиш методикаси. //Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий-электрон журнали. – 2021.
14. Isaev, F. (2021). Мол-мулкни солиққа тортишни такомиллаштириш. *Iqtisodiyot Va Innovatsion Texnologiyalar*, (6), 326–333. Retrieved from https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/12224
15. Исаев, Ф. (2022). Солиқ таҳлилини ўрганиш зарурияти. Архив научных исследований, 2(1). извлечено от <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/720>
16. Курбанов З., Исаев Ф. Солиқ ҳисоби ва солиқ ҳисоботининг баъзи масалалари //Экономика и образование. – 2022. – Т. 23. – № 4. – С. 190-196.
17. Исаев, Ф. (2022). РЕСУРС СОЛИҚЛАРИ ТАҲЛИЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДИКАСИ. *Iqtisodiyot Va ta'lim*, 23(5), 171–176. Retrieved from <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/742>
18. Isaev F. I. Tax Accounting: Theory and Practice //International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding. – 2022. – Т. 9. – № 12. – С. 30-38.
19. Ikromovich, Isayev Fakhridin. "Concept of economic analysis and its structural components." *International Journal of Marketing and Technology* 7.12 (2017): 1-13.
20. Ikromovich, Isayev Fakhridin. "Analysis of the profit tax and its improvement." *International Journal of Research in Social Sciences* 7.12 (2017): 74-85.
21. Jumaev Nadir Hosiyatovich, Rizaev Nurbek Kadirovich, & Isaev Fakhridin Ikromovich. (2023). ORGANIZATION OF TURKIC STATES: INTEROPERATION AND ACCOUNTING SYSTEM. *British Journal of Global Ecology and Sustainable Development*, 13, 116–129. Retrieved from <https://journalzone.org/index.php/bjgesd/article/view/245>
22. Нормурзаев У. (2021). Анализ эффективности налоговых льгот и преференций в поддержке определенных секторов с целью дальнейшего повышения инвестиционной привлекательности в Узбекистане. *Экономика и образование*, (6), 82–86. извлечено от <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/285>
23. Нормурзаев У. (2021). Пути эффективного использования налоговых льгот для поддержки предпринимателей. *Экономика и инновационные технологии*, (4), 355–362. извлечено от https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/11954
24. Нормурзаев У. Тадбиркорларни қўллаб-қувватлашда солиқ имтиёзларини бериш орқали самарали усуллардан фойдаланиш йўллари //Экономика и образование. – 2021. – № 3. – С. 91-95.



ДАВЛАТ БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНТИРИШДА ТЎҒРИ СОЛИҚЛАРНИНГ ПРОГНОЗЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Хўжақўлов Рамшид Юнусович -

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
мустақил тадқиқотчиси

https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a68

Аннотация. Мазкур мақолада республикамизда янги тараққиёт стратегиясида солиқ-бюджет тизимини самарадорлигини таъминлаш ҳисобланади. Солиқ салоҳиятини ҳисоблаш формуллари келтирилган шунингдек солиқ-сиёсатини такомиллаштириш, бюджетда харажатлар эҳтиёжларини ва тенглаштириш дастурларининг асосий жиҳатларини аниқлашда мавжуд инновацион усуллар ва услубий ёндашувларни ишлаб чиқишни такомиллаштириш, иқтисодий-математик моделлаштириш ва прогнозлашнинг кенг қўлланилиши усулларини қўллаш таклифлар берилган.

Калит сўзлар: солиқ, бюджет сиёсати, бюджет, солиқ маъмуричилиги, маҳалий бюджет, солиқ салоҳияти, норматив таҳлил, позитив таҳлил, солиқ юки, репрезентатив солиқ ставкаси, ўртача ставка солиқ ҳисоботи, солиқ тушумлари, солиқ имтиёзлари, солиқ ставкаси.

ВОПРОСЫ КОРРЕКТНОГО НАЛОГОВОГО ПРОГНОЗИРОВАНИЯ ПРИ ФОРМИРОВАНИИ ДОХОДОВ ГОСУДАРСТВЕННОГО БЮДЖЕТА

Ходжаколов Рамшид Юнусович -

Независимый исследователь Ташкентского
государственного экономического университета

Аннотация: В данной статье речь идет об обеспечении эффективности налогово-бюджетной системы в новой стратегии развития нашей республики. Приведены формулы расчета налогового потенциала, а также предложения по совершенствованию налоговой политики, совершенствованию развития существующих инновационных методов и методических подходов в определении потребности расходования средств в бюджете и основных аспектов программ выравнивания, а также использование широкой комплекс экономико-математических методов моделирования и прогнозирования.

Ключевые слова: налог, бюджетная политика, бюджет, налоговое администрирование, местный бюджет, налоговый потенциал, регуляторный анализ, положительный анализ, налоговая нагрузка, репрезентативная налоговая ставка, налоговый отчет по средней ставке, налоговые поступления, налоговые льготы, налоговая ставка.